

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ss.01.08. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БЕГМАТОВ ШЕРМУХАММАД ТУРҒУНБОЕВИЧ**

**ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА  
ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК ВА КОНСЕНСУСНИНГ РОЛИ**

23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
политическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on political sciences**

**Бегматов Шермухаммад Турғунбоевич**

Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ижтимоий шериклик ва  
консенсуснинг роли.....3

**Бегматов Шермухаммад Турғунбоевич**

Роль социального партнерства и консенсуса в развитии гражданского  
общества.....20

Begmatov Shermuhammad Turgunboyevich

**The role of social partnership and consensus in the development of civil  
society.....40**

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....44

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ss.01.08. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БЕГМАТОВ ШЕРМУХАММАД ТУРҒУНБОЕВИЧ**

**ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА  
ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК ВА КОНСЕНСУСНИНГ РОЛИ**

23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори(PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3. (PhD)/Siyos93 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Ўзбекистон Миллий университети веб-саҳифасида ([www.nuu.uz](http://www.nuu.uz)) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида([www.Ziynet.uz](http://www.Ziynet.uz)) жойлаштирилган

**Илмий раҳбар:**

**Қирғизбоев Муқимжон**  
сиёсий фанлар доктори, профессор.

**Расмий оппонентлар:**

**Эргашев Ибодулла**  
сиёсий фанлар доктори, профессор

**Эрназаров Дилмурод Зухриддинович**  
сиёс. фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон жаҳон тиллари университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ss.01.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100192, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси 5-қават, 511-хона.) Тел.: (99871) 246-02-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: [nauka@nuu.uz](mailto:nauka@nuu.uz))

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. ( \_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100192, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (99871) 246-02-24; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2020 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2020 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ш.И.Пахрутдинов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

**А.Х.Холмахматов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, ф.д.(PhD)

**Б.Т.Туйчиев**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш ҳузуридаги илмий  
семинар раиси, ф.ф.д., профессор

## КИРИШ

**Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳоннинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлари тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, жамиятда турли ижтимоий-сиёсий гуруҳлар, қатламлар ва табақалар манфаатларини таъминлаш ва муҳофаза қилиш, долзарб иқтисодий, сиёсий вазифаларни ҳал қилишга, жамиятда барқарорликни мустаҳкамлашга, ижтимоий-ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини шакллантиришга кўмаклашиш ижтимоий шериклик ва консенсуснинг асосий мақсади ҳисобланади. Ҳукуматга бўлган ишонч, биринчи навбатда, сиёсий ҳокимиятга бўлган ишонч, давлат бошқарувининг турли даражаларида, сиёсий ҳокимиятга бўлган ишончнинг барча органларида ижтимоий ҳамкорликни шакллантириш ва ривожлантиришнинг яна бир муҳим жиҳатидир. Айти шу муаммоли масалалар ижтимоий шериклик ва консенсуснинг жамият барқарорлигини таъминлаш ҳамда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда нақадар муҳим омил эканлигини кўрсатади.

Дунёдаги кўпгина илмий марказлар томонидан давлат ва жамият сиёсий ҳаётида ижтимоий шерикликнинг барча соҳаларга тобора чуқурроқ кираётгани бозор иқтисоди мулкчилик шаклининг такомиллашиб бориши, айти пайтда ижтимоий муносабатларнинг мураккаблашаётгани оқибатида турли функционал аспектларини сиёсий фанлар доирасида ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ижтимоий шерикликнинг кўлланилиши давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигида ижтимоий-сиёсий гуруҳлар, қатламлар, синфлар, жамоалар ва маълум тузилмалар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни ҳамда мураккаб ва зиддиятли масалаларни ҳал қилишда янги ёндашувларни излаб топиш бугунги кундаги муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистонда ҳам ижтимоий шериклик ва консенсус тизими давлат органлари, касаба уюшмалари ва иш берувчилар уюшмаларининг ижтимоий-сиёсий соҳалардаги алоқалар институти бўлиб, асосан, аҳолининг кўпчилик манфаатларига жавоб берадиган давлатнинг ижтимоий сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тамойилларга асосланади. Чунки ижтимоий шериклик ва консенсусни алоҳида олинган сиёсий, иқтисодий-ҳуқуқий, мафкуравий воситалар ёрдамида амалга ошириш мумкин эмас. Бу воситалар сиёсий амалиётдаги "автономлик", нисбий мустақилигининг мутлоқлашуви муайян манфаатлар устун бўлган тоталитар, маъмурий буйруқбозлик жамиятларгагина хосдир. Айти шу йўналишдаги муаммолар ижтимоий гуруҳлар, қатламлар, давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари, шартнома ва келишувларни, иқтисодий ва сиёсий қарорларни қабул қилиш ва бажариш жараёнида келиб чиқади. Бу эса муаммонинг долзарблигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 25 сентябрдаги «Ижтимоий шериклик тўғрисида», Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 12 апрелдаги «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги (2018) қонунлари, 2017 йил 27

мартдаги ПҚ-2851-сон «Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги» ПФ-5185-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги «Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» ПФ-5430-сон Фармонлари ва соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Ушбу тадқиқот республика илм-фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I.”Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва либераллаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистонда ижтимоий шериклик ва консенсус муаммоси Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов асарлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг маъруза ва нутқларида акс этган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари бўйича янги стратегик ғоялар ва хулосалар ушбу жараён билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ қилиш учун назарий-методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистонда “ижтимоий шериклик ва консенсус” тушунчаси расмий ҳужжатлар ва илмий манбаларда XX асрнинг 90-йиллари бошида пайдо бўлди ва у Ўзбекистонда мустақиллик ғоялари ва ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар натижаси ўлароқ ижтимоий ҳаётга кириб келди. Бироқ, мавжуд адабиётлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ижтимоий шериклик ва консенсусга доир назарий тадқиқотлар жамиятнинг унга нисбатан тобора ошиб бораётган эҳтиёжларини тўла қондира олмаяпти.

Шу тариқа, ижтимоий шериклик ва консенсус ғояси инсондаги табиийлик ва ижтимоийликнинг мураккаб ўзаро боғлиқлигини, унинг танаси ва руҳи, ҳиссиётлари ва онги ўртасидаги алоқаларни очиб берди.

Консенсус ва ижтимоий шериклик сиёсати, технологияси ва амалиётига доир тадқиқотларда келишувнинг можароларни ўрганиш жиҳати, унинг ижтимоий можаролар билан алоқаси устуворлик қилади. Бу маънода, у можароларни ҳал қилиш ва зиддиятларни бартараф этишнинг устувор воситаси сифатида талқин этилмоқда. Ижтимоий шериклик ва консенсус

муаммоларини таҳлил қилиш соҳасидаги МДХ мамлакатлари тадқиқотчиларидан А. В. Глухова, Р. Г. Абдулатипов, А. В. Дмитриева, А. Г. Здравомыслова, В. П. Казимирчук, В. Н. Кудрявцев, В. С. Нерсисянц, Н. Медведев, Н. В. Варламова, Н. Б. Пахоленко кабиларнинг асарларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Шунингдек, сиёсий консенсуснинг методологик муаммоларига доир асосий тушунчалар ва туркумлар, ижтимоий шериклик тизими субъектлари ва унинг фаолият юритиши тамойилларини таҳлил этишга бағишланган қатор тадқиқотлар ва илмий нашрлар амалга оширилган.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиздаги сиёсий фанларда ижтимоий шериклик ва консенсус масалаларига эътибор қаратган қатор олимларнинг ишларини келтириш мумкин. Бу маънода фуқаролик жамияти ва сиёсий тизимлар шаклланиши, ижтимоий шериклик ва консенсусга эришишнинг асосий масалаларини Ш.Пахрутдинов, З.Исломов, М. Қирғизбоев, М.Шарифхўжаев, Н.Шодиев, А.Ҳ.Саидов, Р.З.Жумаев, Н. Жўраев, А. Ўтамуродов, С. Жўраев, И. Эргашев, Т.Жўраев, А.Холбеков каби олимлар тадқиқ этганлар.

Ўзбекистонда бевосита ва тўғридан-тўғри ижтимоий шериклик ва консенсусга доир тушунчалар ва назарияларга доир тадқиқотлар ҳали амалга оширилмаган. Шунинг учун ҳам мамлакатда жамиятни ривожлантириш ва модернизациялашда ижтимоий шериклик ва консенсуснинг роли масаласини тадқиқ этиш энг долзарб вазифалардан бири сифатида қаралмоқда. Бу ҳолат бизнинг “Жамиятни ривожлантиришда ижтимоий шериклик ва консенсуснинг роли” мавзусини тадқиқот иши сифатида танлашимизга сабаб бўлди.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Наманган Давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Ўзбекистонда демократик жамиятин тараққиётининг ижтимоий-сиёсий ва фалсафий жиҳатлари” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади** Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, модернизация қилишда ижтимоий шериклик ва консенсуснинг ролини тадқиқ этишдан келиб чиқиб мустақиллик даврида ижтимоий шериклик ва консенсусга эришиш тажрибаси, ҳозирги даврда сиёсий консенсуснинг фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат куриш ислохотларидаги ўрнини таҳлил этишдан иборатдир.

**Тадқиқот вазифалари:**

ижтимоий шериклик ва консенсус тушунчаси ва унинг мазмун-моҳиятини таҳлил этиш;

жамиятни ривожлантириш ва модернизациялашда ижтимоий шериклик ва консенсуснинг ўрнини очиб бериш;

ижтимоий шериклик ва консенсуснинг жамиятни ижтимоий-сиёсий барқарорлигини таъминлашдаги ўрнини очиб бериш;

ижтимоий шериклик ва консенсусга эришининг ижтимоий шарт-шароитлари ва омилларини тадқиқ этиш;

давлатнинг ижтимоий шериклик ва консенсус институти эканлигини очиб бериш;

ижтимоий шериклик ва консенсуснинг глобал муаммоларни ҳал этиш воситаси сифатида талқин этиш;

Ўзбекистондаги ижтимоий шериклик ва консенсус муаммоларини тадқиқ этиш;

Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий институтлар хилма-хиллиги шароитида ижтимоий шериклик ва консенсусга эришиш йўллари таҳлил этиш;

фуқаролик жамияти институтлари ижтимоий шериклик ва консенсусга эришиш субъекти сифатидаги ўрнини очиб бериш;

ишнинг хулоса қисмини шакллантириш, илмий тадқиқотда олинган натижаларни тизимлаштириш, жамиятни ривожлантириш ва модернизациялашда ижтимоий шериклик ва консенсуснинг ролини оширишга доир тавсиялар ва таклифларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объектини** Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш ҳамда давлат ва жамият институтлари ўртасида ижтимоий шериклик ва консенсусни шакллантириш ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** мамлакатда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда турли ижтимоий қатламлар, сиёсий партиялар, сиёсий ва ижтимоий институтларнинг ўзаро ижтимоий шериклик ва консенсусга эришиш жараёнларидан иборат.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертацияда тарихийлик, тизимли таҳлил, қиёсий таҳлил, тарихий воқелик ва ижтимоий жараёнлар ўртасида алоқадорлик сингари усуллар қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

“ижтимоий шериклик” ва “консенсус” категориялари жаҳондаги ривожланган давлатлар тажрибаси, халқаро ташкилотлар меъёрий ҳужжатлари, миллий қонунчилик ва тажрибалардан келиб чиққан ҳолда такомиллаштирилиб, уларни қўллаш субъектлари ва объектлари очиб берилган;

ижтимоий шерикликка оид меъёрий ҳужжатларни икки томонлама, кўптомонлама ҳамда комплекс форматда миллий қонунчиликка имплементация қилишдаги муаммолар назарий жиҳатдан очиб берилган;

мамлакатимизда фуқаролик жамиятини мустаҳкамлашда давлат+сиёсий партия, давлат+ННТ, давлат+жамоат ташкилотлари каби форматларда ўзаро шерикликни йўлга қўйиш жамиятда ижтимоий консенсуснинг ривожлантиришини таъминлаши асосланган;

Ўзбекистонда ижтимоий шерикликка доир қонунчиликни ривожлантириш, уларни мамлакатдаги меҳнат жамоалари, корхоналар, тадбиркорлик ва фермерлик хўжаликларига жорий қилиш орқали мамлакатда ижтимоий шериклик тизимини институтцианалаштириш мумкинлиги очиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари.** Ўзбекистон Республикасида



жамиятни ривожлантиришда ижтимоий шериклик ва консенсус институтининг ўрнини оширишга доир муаммолар ва уларнинг ечимлари сиёсий фанлар нуқтаи назаридан амалга оширилган таҳлиллари ижтимоий шериклик ва консенсусга эришиш жараёни такомиллаштириш борасида таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот жараёнида олинган натижалардан Ўзбекистонда фуқаролик жамияти вужудга келиши, модернизациялашуви амалиётидаги қатор долзарб муаммоларни ҳал қилишда, давлат институтлари, нодавлат нотажорат ташкилотлар ва фуқаролар ижтимоий уюшмалари фаолиятини ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

Бундан ташқари, ушбу тадқиқот материаллари жамиятни ривожлантириш ва модернизация қилиш, давлат қурилишини такомиллаштириш, ижтимоий шериклик ва консенсусга эришишга доир ислохотларга доир назарий қарашларни шакллантиришда муҳим манба сифатида хизмат қилиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда фойдаланилган манбаалар, уларни илмий муомалага олиб кирилиши, бу жараёнларда қўлланилган ёндашувлар ва усуллар расмий хужжатлардан, республика ва халқаро миқёсдаги илмий анжуманлар материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидан ўтган махсус журналлар ва хорижий журналларда чоп этилган мақолалар, ҳамда рецензиялар, таклиф, тавсия ва хулосаларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Мазкур ишнинг илмий аҳамияти, фуқаролик жамияти ва унинг ижтимоий-сиёсий ва миллий маънавий асосларини ўрганишнинг назарий жиҳатларини янада бойитиш, олий таълим муассасаларида давлат ва жамият бошқаруви билан боғлиқ фанларни ўқитишда, маъруза матнлари ва ўқув услубий қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотдаги таҳлиллар, хорижий ва маҳаллий тажрибаларга оид материаллар, Ўзбекистон Республикасида жамиятни янгиланиши ва ривожланишида ижтимоий шериклик ва консенсусга таалуқли ислохотларнинг сиёсий жараён сифатида тадқиқ этилиши, тадқиқот натижалари давлат ва нодавлат нотажорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтлари фаолиятида қўлланилиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Жамиятни модернизациялаш шароитида фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ижтимоий шерикликни такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

“ижтимоий шериклик” ва “консенсус” категориялари жаҳондаги ривожланган давлатлар тажрибаси, халқаро ташкилотлар меъёрий хужжатлари, миллий қонунчилик ва тажрибалардан келиб чиққан ҳолда такомиллаштирилиб, уларни қўллаш субъектлари ва объектлари очиб берилганлигига доир ҳамда давлат ва ННТлар ижтимоий ҳамкорлиги мониторингини олиб бориш каби таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон халқ

демократик партияси фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон халқ демократик партиясининг 2020 йил 06 февралдаги 1-116-сонли далолатномаси). Илмий тадқиқот натижаларининг жорий этилиши давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий шерикликни ривожлантиришга хизмат қилган;

ижтимоий шерикликка оид меъёрий ҳужжатларни икки томонлама, кўптомонлама ҳамда комплекс форматида миллий қонунчиликка имплементация қилишдаги муаммолар назарий жиҳатдан очиқ берилган ҳамда ечимлари юзасидан таклиф ва тавсиялар ва ижтимоий шериклик жамият асосий гуруҳлари муҳим ижтимоий-сиёсий қизиқишларининг рўёбга чиқарилиши, сиёсий барқарорликни таъминлайдиган ижтимоий-сиёсий муносабатлар алоҳида тури эканлигини ретроспектив таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқилган ривожланиш динамикаси бўйича таклифи Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти фаолиятига жорий қилинган (Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг 2019 йил 30 августдаги 08/1-сонли далолатномаси). Фуқаролик жамияти ва ижтимоий шерикликнинг ўзаро алоқаси ҳамда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ривожлантириш вазифалари, уларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга доир илмий таклифлар ижтимоий шериклик самарадорлигини тубдан юксалтириш имконини берган;

мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда давлат+сиёсий партия, давлат+ННТ, давлат+жамоат ташкилотлари, давлат+ўзини ўзи бошқариш органлари каби форматларда ижтимоий шерикликни йўлга қўйиш лозимлигига доир доир фикр-мулоҳазалардан Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг 2019 йил 06 декабрдаги БМ - 05/1513-сонли далолатномаси). Диссертацияда ишлаб чиқилган илмий натижаларнинг жорий этилиши давлат субсидиялари, давлат грантлари ва давлат ижтимоий буюртмаларини такомиллаштириш асосида давлат бошқарув органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий шерикликни ривожлантиришга хизмат қилган;

Ўзбекистонда ижтимоий шерикликка доир қонунчиликни ривожлантириш, уларни мамлакатдаги меҳнат жамоалари, корхоналар, тадбиркорлик ва фермерлик хўжаликларига жорий қилиниш жараёнлари илмий таҳлил этилиш асносида мамлакатимизда ижтимоий шериклик тизими институтцианалашганлигига оид таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон халқ демократик партияси фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон халқ демократик партиясининг 2020 йил 06 февралдаги 1-116-сонли далолатномаси). Тадқиқотда ишлаб чиқилган ижтимоий шериклик моҳиятини англаш ва турли субъектлар ҳокимият тизимлари, касаба уюшмалари, иш берувчилар, жамоатчилик бирлашмалари ва бошқа ўзаро ҳамкорликнинг янги шакллари ривожлантиришга оид таклифлар жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланиши, ижтимоий-меҳнат муносабатлари ва бошқа жабҳалардаги долзарб муаммоларни ҳал этиш, жамиятдаги эҳтимолли

низоларни прогноз қилиш ва уларнинг олдини олишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 2 халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш нашр этилган бўлиб, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та (3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда) мақола чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 152 саҳифани ташкил этади.

### **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгиланган, тадқиқот ишининг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижалар ишончлигига асосланган ҳолда назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Ижтимоий шериклик ва консенсусни фуқаролик жамиятида роли ва ўрнини тадқиқ этишнинг методологик жиҳатлари”** деб номланган. Унда асосан “ижтимоий шериклик” тушунчаси тавсифланган. “Ижтимоий шериклик” ибораси латин тилидаги *socialis* – ўртоқлик, ижтимоий ва француз тилидаги *partenaire* – компаньон сўзларидан олинган. У ўзида йирик гуруҳлар ва ижтимоий қатламлар ўртасидаги ўзаро жамоавийлик, ижтимоий меҳнатга оид ҳусусан, ишбилармонлар (иш берувчилар) ва ёлланма ишчилар, шунингдек давлат билан ўзаро муносабатларни зиддиятларсиз мувофиқлаштириш маъносини билдиради.

Ғарб социолог олимларининг фикрлари берилган бўлиб, унга кўра ижтимоий шерикчилик ғоявий нуқтаи назардан қараганда, тенг ҳуқуқли ҳамкорлик асосида иш берувчилар билан ёлланиб ишловчилар ўртасидаги ўзаро зиддиятларни юмшатиш, меҳнаткашларни бозор муносабатлари тизимига олиб киришга қаратилган ўзига хос муносабат шаклидир. Сиёсий жиҳатдан қараганда, ижтимоий шерикчилик муайян жамият сиёсий ҳокимиятини меҳнаткашлар томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган муносабатдир. Иқтисодий жиҳатдан олганда, ижтимоий шерикчилик ишлаб чиқариш суръатларини ўстириш, иш берувчилар даромадини ошириш учун шарт-шароитлар тайёрлаш учун меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида ёлланма меҳнаткашларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, шу билан бирга, меҳнаткашларни ўзини ҳаёт кечириш даражасини ошириш мазмунини

ифодалайди. Ижтимоий шерикчиликнинг кўп қиррали жараён эканлиги мамлакатда хатти-ҳаракат қилаётган ижтимоий кучлар ўзаро муносабатларини қулайлаштириш учун тенги йўқ омиллардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги даврга келиб ижтимоий ва сиёсий соҳалардаги цивилизациявий ютуқлар шерикчилик миқёсларини давом эттириш ва кенгайтириш мезонлари асосида баҳоланмоқда. Тор маънода шерикчилик ишлаб чиқариш ёки қандайдир фаолият соҳасида ҳамкорлик принципига амал қилиш тушунилади. Кенг маънода эса шерикчилик ғояси ижтимоий муносабатларнинг барча тизимларини, асосан ҳокимиятни амалга ошириш жараёнини ҳам ўзига қамраб олишини англатади.

Ижтимоий шериклик назариялари пайдо бўлишига қадар баъзи олимлар асарларида қайд этилган фикрларга биноан одамлар онгида доимий равишда кундалик турмуш шароитларидан келиб чиқиб компромиссга (ўзаро келишув) мойиллиги табиатан устувор инстинкт сифатида намоён бўлиб туради, бу ҳолат уларни зиддиятларга эмас, балки ўзаро келишувларга ундаб туради.

Даврлар ўтиши билан ижтимоий шериклик принципида зиддиятчилик кўринишлари ўрнини консенсус принципи эгаллай бошлади. Бу принцип нафақат қарама-қарши томонлар манфаатларининг асосланганлигини эътироф этиш ва тушунишни, балки ижтимоий ривожланиш воқеликлари зарурат қилиб қўядиган ҳодисалар билан ҳам келишишни шарт қилиб қўяди. Консенсус – нафақат ён беришлар, балки умумий манфаатларга эришиш мақсадида ҳамкорликни ривожлантириш жараёни иштирокчилари кўпчилик қисмининг хоҳишларини инобатга олиш асосида эришиладиган компромисслардир.

Ижтимоий шериклик тажрибаси, ёки унинг моделлари бирон бир айрим олинган муайян жуғрофий минтақада эмас, балки жаҳондаги барча ривожланган мамлакатларда бир даврда – XX асрнинг иккинчи ярмида такомиллашди ва инсопарварлашди. Лекин, ривожланган мамлакатлардаги ижтимоий шериклик тажрибалари миллий ўзига хосликларни ўзида ифодалади. Шунинг учун ҳам бу соҳада турли моделлар шаклланди.

Жаҳон тажрибасида ижтимоий шерикликнинг бир неча моделлари мавжудлиги асослар бўйича таснифлаштирилган: ҳокимият тузилмалари, давлат бошқарув органларининг ижтимоий шериклик тизимидаги роли ва ўрни бўйича; шартномавий жараёни ҳуқуқий механизмлари бўйича; давлат ҳокимияти институтлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари билан қасаба уюшмаларининг ўзаро алоқалари характери бўйича; ходимларнинг корхона ва ташкилотларни бошқаришдаги иштироклари даражаси бўйича; қасаба уюшмалари ва иш берувчилар бирлашмалари ва тадбиркорлар ўзаро муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари бўйича; ижтимоий шериклик тизимининг сиёсий йўналишлари бўйича (социал-демократик, консерватив, социалистик ва бошқ.).

Жаҳон тажрибасида ижтимоий шерикликнинг юқорида кўрсатилган

таснифлари йўналишларининг тегишли жиҳатлари бўйича кўп учрайдиган миллий моделлари кўрсатиб ўтилган.

Аксарият тушунчаларда бўлгани сингари консенсус турли таъриф ва талқинларга эга. “Консенсус – бирор бир жиддий баҳс, мунозарада турли турли қарашдаги одамларнинг бир фикрга, бир қарорга келиши”. Улардан яна бири консенсус икки ёки ундан ортиқ ижтимоий субъектлар орасида можаро мавжуд эмаслиги сифатида белгилайди. Реал ҳаётда эса «келишувнинг ҳар бир томони ўзаро ҳамкорлик жараёнида ўз мавқеи ёки мақсади ёхуд умумий мавқе ва мақсадлар қабул қилиниши учун ҳар нарса қилишга интилиши, шу аснода бошқа томонга айнан шундай қилишга ҳалал бермаслиги лозим». Консенсус атамаси илмий атама сифатида фанга кириб келди. Кўплаб тадқиқотчилар консенсусни барча можаролар – оилавийдан тортиб, халқаро миқёсда оптимал ечим топиш усули деб ҳисоблашади. Лекин унга эришишнинг аниқ бир йўли, усули доим ҳам топилавермайди ва белгиланган аниқ бир усул йўқ.

Кишилар назарида консенсус, энг аввало, хайрихоҳлик, осойишталик, тинчлик, келишувга таққосланади. Дарҳақиқат, кишилар келишиб яшаётган, бир-бири билан тил топаётган, ўзаро хайрихоҳ бўлган жойда улар ҳаёти тинч ва осойишта кечади. Консенсус икки томон ҳам келишувга интилган жойдагина мавжуд. Бу қоида муҳим услубий аҳамиятга эга. Агар бир томон консенсусга интилиб, бошқа томон эса унга бефарқ, лоқайд бўлса, қизиқиш билан қарамаса ҳамда келишувни шакллантириш ва сақлаш борасида аниқ ҳаракатларга интилмаса, консенсусга эришишнинг иложи бўлмайди.

Ижтимоий шериклик тажрибаси ёки унинг моделлари бирон бир айрим олинган муайян жуғрофий минтақада эмас, балки жаҳондаги барча ривожланган мамлакатларда бир даврда – XX асрнинг иккинчи ярмида такомиллашди ва инсопарварлашди. Лекин ривожланган мамлакатлардаги ижтимоий шериклик тажрибалари миллий ўзига хосликларни ўзида ифодалади. Шунинг учун ҳам бу соҳада турли моделлар шаклланди.

Жаҳон тажрибасида ижтимоий-меҳнат муносабатларини ҳуқуқий мувофиқлаштириш мезонлари бўйича ижтимоий шерикликнинг учта асосий моделлари мавжуд.

Ижтимоий шерикликнинг биринчи модели Шимолий Европа (Финляндия, Швеция, Бельгия, Норвегия, Нидерландия) мамлакатларида қўлланилади. У меҳнат муносабатларини мувофиқлаштиришда давлатнинг фаол аралашувларини тақозо этади ва ижтимоий шерикликнинг ёрқин ифодаланган учта даражасига эгадир. Масалан, Бельгияда учта томонларнинг тенг миқдордаги вакилларида иборат умуммиллий даражадаги Меҳнат бўйича миллий кенгаш ташкил этилади. У ҳукуматнинг маслаҳат берувчи органи ҳисобланиб, фақат унинг ўзигина умуммиллий даражада музокаралар олиб бориш ҳуқуқига эга бўлади. Тармоқлар даражасида ҳукумат назорати остида таъсис этиладиган кўшма (паритет бўйича) комиссиялар фаолият олиб боради. Одатда бу комиссияларнинг раислари давлат мансабдори ҳисобланади.

Ижтимоий шерикликнинг иккинчи модели АҚШ, Канада, Япония, Осиё, Лотин Америкаси ва инглиз забонли Африка мамлакатлари учун хосдир. Бу модел асосан корхоналардаги жамоавий шартномалар тузиш ва уларга амал қилишига асосланган. Музокаралар ва келишувлар минтақавий ва тармоқлар даражасида ҳам амалга оширилади. Тадбиркорлар ва касоба уюшмалари қонунчилик ва сиёсий фаолиятларга фаол иштирок этиш билан бирга ижтимоий-меҳнат муносабатларига бевосита аралашади (масалан, АҚШ Савдо палатаси, Япония тадбиркорлар федерацияси).

Учинчи модел Марказий Европа (Германия, Австрия, Франция, Буюк Британия ва бошқа) мамлакатлари учун хосдир. У юқорида келтирилган икки модел оралиғидаги ўртанча модел ҳисобланади. Бу мамлакатларда ижтимоий шерикликнинг умуммиллий даражасида уч томонлама доимий ҳаракатдаги органлари ташкил этилмайди. Лекин ҳукуматлар мунтазам равишда миллий касоба уюшмалари бирлашмалари ва тадбиркорлар иттифоқлари билан маслаҳатлашувлар олиб боради. Бу даражадаги ижтимоий шериклар биргаликдаги қарорларни қабул қилмайди, кўпинча маслаҳатлашувлар билан чегараланади ва камдан-кам ҳолатларда ижтимоий сиёсатнинг умуммиллий келишувлари фаолиятида иштирок этади.

Тадқиқотнинг иккинчи боби **“Ўзбекистонда фуқаролик жамияти трансформацияси шароитида ижтимоий шериклик шаклланиши”** деб номланган бўлиб, унда Ўзбекистонда ижтимоий шерикликка доир ҳуқуқий асосларнинг шаклланиши ва ривожланиши, Ўзбекистон давлати мустақилликнинг дастлабки 25 йилида демократик жамият ва ҳуқуқий давлат куришнинг бешта принципи асосида фуқаролик жамияти куришга ҳаракат қилиб кўрилди. Шулардан бири – давлатнинг бош ислохотчилик ўрнига муҳим аҳамият берилди. Натижада жамиятни бошқаришда давлат ҳокимияти органларининг ўрни ва роли кучайтирилди. Туманлар, шаҳарлар ва вилоятлар ҳокимларнинг яккабошчилик бошқаруви принципи ўрнатилди. Жамият барқарорлиги ва миллий хавфсизликни таъминлаш, давлат ва жамиятга ички ва ташқи таҳдидлар мавжудлиги рўқач қилиниб, ижроия ҳокимияти тизимида ҳуқуқни ҳимоя қилиш тизимини ўрни оширилди.

Албатта, бу ислохотлар давлатни жамиятдаги бошқарувчанлигини таъминлаган бўлсада, жамият институтларини ривожлантириш соҳасида ўз самарасини бермади. Чунки, XX аср чорагида ривожланган мамлакатларда шаклланган фуқаролик жамияти талаблари асосидаги давлат фаолиятини такомиллаштиришда давлат бошқарув тизимида кирмайдиган ижтимоий ва иқтисодий институтлар муҳим аҳамият касб этади. Давлат ҳокимиятини модернизациялаш асосан фуқаролик жамиятини институтларини мустақиллиги таъминлаш ва уларнинг ресурсларини - молиявий асослари ва инфратузилмаларини ривожлантириш асосида амалга оширилади. Шунинг учун ҳам 1991-2015 йиллардаги “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилининг давлатни кучайтириш қисми амалга оширилган бўлсада, кучли фуқаролик жамиятининг асослари ва амалда намоён бўлиши унча сезилмади. Ижтимоий шерикчилик тизимида давлат ҳокимияти

органларининг ўрни ва роли таҳлил этилган ва давлат ҳокимияти органларининг роли ва ўрни ўрганилган. Турли моделларда давлатнинг роли турлича намоён бўлишига қарамасдан барча моделларда давлат ҳокимияти органларининг ижтимоий шерикликдаги иштирокининг муҳим аҳамият касб этиши таъкидланган. Давлат ижтимоий шерикликда бир неча шаклларда – мулк эгаси, қонун чиқарувчи, арбитр, воситачи, мувофиқлаштирувчи, иш берувчи, ижтимоий соҳаларда сиёсатни ишлаб чиқувчи ва бошқа кўринишларда иштирок этади. Давлат корхонанинг мулкӣ эгаси бўлган шароитда давлат ҳокимияти органлари ходимлар, меҳнат жамоалари ва уларнинг касаба уюшмалари ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари билан тузилган келишув шартномаларидаги мажбуриятларидан келиб чиқиб иш берувчи сифатида ижтимоий шериклик субъекти сифатида намоён этилган.

Давлатнинг ижтимоий шериклик тизимидаги асосий функциялари қуйидагилардан иборатдир: қонунчилик асослари, ҳуқуқ ва меъёрларни яратиш, башорат (прогноз) қилиш, ташкилий, назорат ва судлов ишлари ва ҳоказо. Давлат ижтимоий шериклик тизимини ривожлантира бориб халқаро ҳуқуқ меъёрларини жорий этади, ХМТнинг ишчилар ва иш берувчилар учун олдинги даврга нисбатан имтиёзлироқ шарт-шароитларни жорий этишга қаратилган конвенцияларини ратификация қилинганлиги кўрсатиб ўтилган. Ижтимоий шериклик ва консенсус глобал муаммоларни ҳал этиш воситаси эканлиги ва замонавий цивилизацияларнинг сўнгги ривожланиш босқичлари экологик, озиқ-овқат, инсон ҳаёти ва саломатлигини асраб-авайлаш, ядровий хавф-хатар каби муаммоларларни кучайишига олиб келди. Бу муаммолар умуминсоний, умумсайёравий, турли тамаддунлар ва ҳар бир инсоннинг манфаатларига зид ҳолатлар сифатида намоён бўла бошлади. Мазкур муаммоларни тўлиқ равишда тадқиқ этиш ва уларни бартараф қилиш йўллариини ишлаб чиқишга доир илмий тадқиқот адабиётлар эса ҳали етарли эмаслиги, бу соҳага доир жаҳонда турли миқёсларда турли конгресс ва анжуманлар ўтказишлар авж олиб боришига қарамай ўз ечимини кутаётган муаммолар кўпайиб бораётганлиги қайд этилган..

Яна шуни таъкидлаш лозимки, «ҳозирги даврга қадар замонавий тамаддуннинг глобал муаммоларига сиёсатшунослар ва бошқа фан вакилларининг қизиқишлари фақат «моддий» оламга техноген таъсирлар ва уларнинг моддий натижалари нуқтаи назаридан нарига ўтмаяпти». Бу ҳолатни муайян даражада шундай оқлаш мумкин: моддий оламдаги ва техноген таъсирларга доир муаммолар кўзга яққол ташланиб туради, тўғридан-тўғри инсоннинг жисмоний ҳаётига бевосита таҳдид солади, тезда юзага чиқади, шу сабабли ҳам уларни кечиктирмасдан ҳал этилишни тақозо этади.

Давлатнинг ижтимоий шериклик тизимидаги асосий функциялари қуйидагилардан иборатдир: қонунчилик асослари, ҳуқуқ ва меъёрларни яратиш, башорат (прогноз) қилиш, ташкилий, назорат ва судлов ишлари ва ҳоказо. Давлат ижтимоий шериклик тизимини ривожлантира бориб халқаро ҳуқуқ меъёрларини жорий этади, ХМТнинг ишчилар ва иш берувчилар учун олдинги

даврга нисбатан имтиёзлироқ шарт-шароитларни жорий этишга қаратилган конвенцияларини ратификация қилади.

Давлатнинг ижтимоий шериклик соҳасидаги сиёсатининг асосий таркиби куйидагилардан иборатдир:

олий (миллий) даражада ижтимоий адолатнинг кўрсаткичлари ва мезонларини ишлаб чиқиш, меҳнат муносабатлари субъектларини муҳофаза қилиш чораларини ўз ичига қамраб олган шериклар ўртасида ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг асосий йўналишларини қандай бўлишини ўзаро келишиш;

турли даражаларда ижтимоий шерикларнинг манфаатларини келиштиришга имкониятлар яратишга йўналтирилган механизмлар ва институтларни шакллантириш ва уларни такомиллаштириш;

ижтимоий шерикликни ривожлантириш ва ижтимоий-меҳнат муносабатларини мувофиқлаштиришга қаратилган қарорларни қабул қилиш ва ижро этиш учун тегишли органлар ёки комиссиялар ташкил этиш;

меҳнаткашларни давлат ва жамият ишларида, корхона, ишлаб чиқариш тармоқларини бошқариш жараёнида иштирок этишларини кенгайтиришга ёрдамлашиш;

ижтимоий шерикликдаги томонлар ўртасида пайдо бўлган зиддиятлар ва ихтилофларни мувофиқлаштириш жараёнида музокаралар ўтказишни устувор бўлишига доир шарт-шароитларни ривожлантириш ва рағбатлантириш;

ижтимоий зиддиятлар ва келишмовчиликларнинг кескинлашувини муросасизлик ва келишувларга мойиллик жиҳатларни намоён қилишга имконият яратадиган қонунларни таомиллаштириш воситасида пасайтириш ва юмшатиш<sup>1</sup>.

Фуқаролик жамияти шароитида меҳнат муносабатларини мувофиқлаштириш тизимига кириб келаётган янгиликлар ижтимоий шерикликдаги давлат органларининг роли ва ўрнини тубдан ўзгартирмоқда. Ҳозирги шароитларда давлат ҳокимияти органлари асосан куйидаги ижтимоий кафолатлар билан таъминлаш масалалари билан шуғулланмоқда: давлатнинг энг кам ижтимоий стандартлар, энг кам иш ҳақи, энг кам меҳнат таътили, энг кўп йўл қуйилган иш кунининг давомийлиги, оммавий ишсизликка барҳам бериш, меҳнат хавфсизлиги кафолатини яратиш ва ҳоказо.

Фуқаролик жамияти ва бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг ижтимоийлиги унинг ҳар фуқаронинг индивидуал эркинлигини сақланишини таъминлаш, алоҳида олинган ижтимоий қатламлар ва гуруҳларни ижтимоий ҳимоя қилишда намоён бўлмоқда. Ижтимоий давлатнинг шаклланиши уни анча ижтимоий функцияларини қамайтирадиган ижтимоий шериклик тизимини ривожланиши билан чамбарча боғлиқдир. Кўплаб хусусий бизнес ва компаниялар тор ихтисослашган ва ижтимоий муаммоларни ҳал этишда маҳаллий давлат ҳокимияти билан ҳамкорлик қилишга зарурат сезмоқда.

---

<sup>1</sup>Михеев В.А. Основы социального партнерства: теория и политика: Учеб. для вузов. — М.: Экзамен, 2001. //www.studmed.ru/view//download/miheev-va-osnovy-socialnogo-partnerstva-teoriya-i-politika\_c2a42cf06a0.html?action=download.



Диссертациянинг “�збекистонда ижтимоий шериклик тизимини фуқаролик жамияти институти сифатида ривожланиши” деб номланган учинчи бобида Ўзбекистонда ижтимоий шериклик ва консенсусга доир ҳуқуқий асосларни фуқаролик жамиятига ҳос тамойиллар асосида ривожланиши борасида ижтимоий шериклик ва консенсусга эришишдаги салбий ва ижобий тажрибалар келтирилган. Фуқаролик жамияти институтларининг давлат бошқарув органларидан мустақил равишда фаолият юритиши учун шарт-шароитлар 2016 йил сентябрь ойи бошларида Ш.М.Мирзиёевнинг мамлакат Президенти вазифасини бажараришга киришган пайтдан бошлаб ижтимоий шериклик ва консенсусга муҳитлар яратилганлигини, давлат бошлиғи дастлабки ислоҳотларни ижроия ҳокимиятини модернизациялашдан бошлаганлиги, ижроия ҳокимиятини олдингидек халқни бошқарувчи эмас, балки унга хизмат қилувчи органга айлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 8 сентябрдаги фармони билан “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепцияси” қабул қилинганлиги таъкидлаб ўтилган.

